

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

40-сон
(176)
2005 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

303. «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сон Фармони
304. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ–183-сон қарори
305. «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сон қарори

Учинчи бўлим

306. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 8 августдаги ПҚ–149-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 октябрдаги 221-сон қарори

307. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 октябрдаги 222-сон қарори

Бешинчи бўлим

308. «Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2005 йил 22 сентябрдаги 880-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 3 октябрда 1286-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
309. «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 сентябрдаги 268-В, 64, 94, 01-02/19-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 октябрда 1514-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
310. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 91, 2005-57-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1325-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
311. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 92, 2005-56-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1123-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
312. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 90, 2005-55-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1238-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
313. «Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 29 август-

даги 76, 2005-47, 267-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 октябрда 1516-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

314. «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хо-тира тамгалари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 19 сентябрдаги 226-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 октябрда 1516-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 1 октябрдан 7 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

303 Тadbиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тadbиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тadbиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади;

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди;

худудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тadbиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тadbиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади;

тadbиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

2. Вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қаттиқ огоҳлантириб қўйилсинки, назорат органларининг мансабдор шахслари тadbиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, хатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг янгиланган таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова берилмайди.

4. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йиллик ва чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари ишлаб чиқилишини таъминласин;

2005 йилнинг 1 декабригача муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 2006 йилда текшириш мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ комплекс текширишлар ўтказишнинг асосланган тамойиллари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда текширилиши лозим бўлган субъектлар рўйхатини шакллантиришни назарда тутсин;

назорат органларига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат берсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив ҳужжатларини мазкур Фармон билан мувофиқлаштирадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 3 августдаги «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ПФ–2678-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Шамшиев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 октябрь,
ПФ–3665-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

304 Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этилсинки, ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш борасидаги чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида экспорт таркибида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда — тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши кўпайди, ташқи савдо айланмасида барқарор ижобий сальдо таъминланмоқда.

Шу билан бир қаторда ташқи савдо фаолиятини ташкил этиш ва божхона расмийлаштируви тизимида жиддий камчиликлар ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳоллари мавжуд. Божхона органлари томонидан паст сифатли, сертификатланмаган истеъмол маҳсулотларини республикага ноқонуний олиб киришнинг олдини олиш бўйича зарур назорат таъминланмаяпти. Импортёрлар томонидан олиб келинаётган маҳсулотларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини қўпол равишда бузиш, баён этилаётган қийматни сунъий равишда пасайтириш, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш каби фактлар мавжуд.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар ишлаб чиқаришда импорт қилинадиган хомашё, материаллар ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш ўрнига уларни маҳаллийлаштириш, ўзининг валюта маблағлари оқимини таъминловчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтириш жараёни суёт бормоқда.

Ташқи савдо айланмаси балансини ошириш, экспорт-импорт операцияларини бож-тариф билан тартибга солишни тобора такомиллаштириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, экспортга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 ноябридан бошлаб:

импорт бож тўловлари ставкалари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган маҳсулотларга акциз солиғи ставкалари 2-иловага* мувофиқ;

ун импорт қилувчи жисмоний шахслардан ундириладиган ягона бож тўловлари ставкаси 2а-иловага* мувофиқ белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2005 йил 1 ноябргача «вақтинча сақлаш» божхона режимига жойлаштирилган маҳсулотларни эркин муомалага чиқаришда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 январдаги «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4-сонли ҳамда 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сонли қарорлари билан тасдиқланган ставкалар 2005 йилнинг 1 декабригача қўлланилади.

2005 йилнинг 1 декабридан бошлаб «вақтинча сақлаш» режимидан эркин муомалага чиқариладиган барча маҳсулотларга нисбатан ушбу қарор билан тасдиқланган импорт бож тўловлари ва акциз солиғи ставкалари қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ягона ер солиғи тўлайдиган ва ҚҚС тўлашдан озод қилинган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига берилган имтиёзлар товарларни импорт қилишга эмас, балки фақат уларнинг асосий фаолиятига дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси,

* 1, 2, 2а-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Олий ҳўжалик суди бу борадаги қонунбузарликларга қатъиян чек қўйсин ва амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидалари тўғри бажарилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

импорт шартномаларининг божхона расмийлаштируви устидан таъсирчан назорат ўрнатсин, импорт қилинаётган товарларнинг амалдаги миқдори ва рўйхати божхона декларациясида келтирилган маълумотлар билан тўла мос бўлишига ҳамда товарнинг кўрсатилган қиймати асослилигига алоҳида эътибор қаратсин;

товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали ўтиши устидан назоратни кучайтирсин, товарларнинг ноқонуний йўл билан олиб кирилиши фактларига қатъиян чек қўйсин, божхона қонунчилиги бузилган тақдирда ҳуқуқбузарлик предметларини белгиланган тартибда давлат фойдасига мусодара қилсин.

5. Идоралараро божхона-тариф кенгашининг янгиланган таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Идоралараро божхона-тариф кенгаши ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ ташқи савдо айланмаси ҳажми ва таркиби мутаносиблиги устидан доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин ҳамда зарур ҳолларда экспорт-импорт операцияларини бож-тариф билан тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 4-иловага** мувофиқ 2005 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 сентябрь,
ПҚ-183-сон

* 3-илова берилмайд.

** 4-илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

305 Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ–3080-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари, жамоат бирлашмалари томонидан таълим ва ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хизматларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Миллий ахборот-излаш тизимини яратиш, ижтимоий-маданий йўналишдаги ахборот ресурсларини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мамлакатнинг барча олий таълим муассасаларини ягона ахборот тизимига бирлаштирган корпоратив компьютер тармоғи ташкил этилиб, ривожлантирилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларида ўқув компьютер синфларини ташкил қилиш Дастури амалга оширилмоқда.

Кейинги уч йил ичида умумтаълим мактабларидаги шахсий компьютерлар сони 1,11 баравар кўпайиб, 59,4 мингтага етди, коллежлар ва лицейларда уларнинг сони деярли икки баравар ошди. Таълим муассасаларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига, шу жумладан Интернетга улаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий харакати томонидан республикада Интернет тармоғига жамоа бўлиб уланиш пунктларини ташкил этиш дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда интернет-кафелар сони кейинги уч йил мобайнида 20 баравардан ортиқроқ кўпайди ва 493 тага етди.

Шу билан бирга республикада таълим ва ёшлар йўналишидаги ахборот ресурсларини тизимга солувчи ягона ахборот тармоғи мавжуд эмас.

Миллий ижтимоий-сиёсий, илмий-таълим ва маданий-маърифий ахборот ресурсларининг етарлича бойитилмаганлиги, уларнинг ишлашини таъминлашда тизимликнинг йўқлиги ёшлар ўртасида хорижий ахборот интернет-сайтлари тарқалишига имконият яратмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси миллий телекоммуникация тизимида ўқув-таълим, илмий, ёшлар ҳамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бирлаштирувчи ягона ахборот-ресурс майдончага эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғини шакллантириш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакат мактаблари, лицейлари, коллежлари ўқувчиларининг, олий таълим муассасалари талабаларининг ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек Интернет тармоғининг миллий сегментида таълим ва билим берадиган ахборот ресурсларини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий харакатининг республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона «ZiyoNET» ахборот тармоғига бирлаштириш ва тизимлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «ZiyoNET» тармоғининг асосий вазифалари этиб белгилансин: ёшлар учун: уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга; ўсиб келаётган ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат туйғусини, Ўзбекистоннинг бой тарихи, халқнинг миллий анъаналари ва маънавий қадриятларини билишга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлашга; фаол ҳаётий мавқега эга бўлган баркамол шахсий вояга етказишга қаратилган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш;

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг маънавий, ақлий жиҳатдан камол топишига кўмаклашадиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий, маънавий-маърифий, илмий-таълим ҳамда бошқа ахборотдан кенг қўламда фойдаланишни таъминлаш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳар хил спорт турларини оммалаштириш;

республика ўқувчилари ва ёшлари учун масофавий таълим усулларини, бошқа ахборот-коммуникация хизматларининг кенг комплексини таълим тизимига жорий этишда кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Қосимов) ва Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев):

бир ой муддатда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» маркази таркибида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлимлари билан иловага* мувофиқ «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс марказини ташкил этсинлар;

шу йилнинг охиригача «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс марказини тегишли ихтисосдаги юқори малакали ходимлар билан таъминласинлар;

«ZiyoNET» тармоғини шакллантириш ва ривожлантиришни, шунингдек Ресурс маркази ва бўлимларининг тармоқ ахборот ресурсларини мунтазам суратда жамлаш ва янгилаш борасида самарали фаолият кўрсатишини таъминласинлар.

Белгилансинки, «ZiyoNET»нинг коммуникация тармоғини ҳамда техник базасини ривожлантириш учун жавобгарлик Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига, «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларининг мазмунини шакллантириш учун жавобгарлик Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари зиммаларига юкланади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларини халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан Интернет тармоғига улаш фақат «ZiyoNET» тармоғи орқали амалга оширилади;

«ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларини шакллантириш ЎзАААнинг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади;

«ZiyoNET» тармоғидан фойдаланувчиларнинг халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғининг ахборот ресурсларига кириши уларнинг ЎзАААнинг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинги маркази томонидан белгиланадиган рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

шахсий домен номларни рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш, электрон почта хизматлари мактаблар, академик лицейлар, коллежлар,

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ҳамда бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасалардаги фойдаланувчиларга бепул кўрсатилади.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов):

уч hafta муддатда Миллий ахборот-излаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш Дастурини ҳисобга олган ҳолда, агрессив интернет-контентдан муҳофаза қилиш воситаларини ўз ичига олган зарур дастурий таъминот билан «ZiyoNET» тармоғи Ресурс марказининг ягона технологик майдончасини яратиш чора-тадбирларининг комплекс режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда «ZiyoNET» тармоғининг Ресурс маркази тўғрисидаги низомни, ахборот ресурсларини таснифлаш Миллий рейтинг тизими тўғрисидаги низомни, жамоа ва якка тартибда фойдаланувчиларни «ZiyoNET» тармоғига улаш бўйича операторлар ҳамда провайдерларга нисбатан техник талаблар ва шартларни, шунингдек балоғатга етмаган фарзандлари бўлган якка тартибдаги фойдаланувчиларни тармоққа улашнинг имтиёзли пакетини жорий этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда илмий-таълим ва маданий-маърифий муассасаларга Интернет хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларнинг лицензия битимларига халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғига фақат «ZiyoNET» тармоғи орқали чиқиш ташкил этилишини назарда тутувчи қўшимча шартларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Қосимов), Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А. Азизхўжаев), «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (Б. Убайдуллаев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

«ZiyoNET» тармоғининг ўзбек ва рус тилларида ёшларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, илмий-таълим, маданий-маърифий ва маълумот-таҳлилий материаллардан иборат ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастурини; мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни «ZiyoNET» тармоғига улаш режа-жадвалини;

ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартибини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

«ZiyoNET» тармоғи ресурс марказининг фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, шунингдек унинг технологик майдончасини яратиш ва ривожлантиришни, ахборот ресурслари шакллантирилишини молиялаштириш ЎзААА Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

«ZiyoNET» тармоғининг Ресурс маркази ва унинг бўлимлари Компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» маркази, шунингдек Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ташкилотлари ҳамда корхоналари штатидаги ходимлар ҳисобига мутахассислар билан таъминланади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Қосимов) ва Халқ таълими вазирлиги (Т. Жўраев), Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А. Арипов) билан келишилган ҳолда «ZiyoNET» тармоғи Ресурс маркази бўлимларини

жойлаштириш, фойдаланаётган хоналар ҳамда кўрсатилаётган техник, коммунал ва бошқа хизматлар учун ҳақ ундирмасдан уларни зарур ташкилий-техника, анжомлар, алоқа воситалари билан жиҳозлашни таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М. Хазратқулов) Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов) билан биргаликда «ZiyoNET» ахборот тармоғи фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Арипов ва Р. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 сентябрь,
ПҚ-191-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

306 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 8 августдаги ПҚ–149-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг маълумотлар узатиш хизматларини ривожлантириш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 8 августдаги ПҚ–149-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 4-банди ўн иккинчи хатбошидан «ва «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонаси» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳририда баён қилинсин:

«2. Белгилаб қўйилсинки, Маълумотларни узатиш миллий тармоғидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланиш ва уни ривожлантириш миллий оператори (провайдер) функциялари «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига юкланади»;

б) 3-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қуйидагилар миллий оператор (провайдер) сифатида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин»;

в) 3-банднинг учинчи хатбошида «UzPAK» сўзи «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-бандда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш корхонаси» сўзлари «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорига 4-илованинг I бўлими биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 октябрь,
221-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

307 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 октябрь,
222-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 6 октябрдаги 222-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда) 1-банди тўртинчи хатбошидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 31-модда) 6-банди учинчи хатбошида «маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган эҳтиёжлар учун нақд пулни» сўзлари «банкларнинг депозит ҳисоб рақамларида маблағлар мавжуд бўлганда нақд пулни» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 67-модда) 7-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг 189-бандига олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

«пластик карточкалардан фойдаланилган тўловни қабул қилишдан бош тортиш»; еттинчи—ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи—йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 6 октябрдаги 222-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул тушумидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1995 йил 3 февралдаги 29-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тери, мўйна хом ашёси ва қорақўл тайёрлашни ва уларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 25 августдаги 366-сон қарорининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган газ сотиш тизимини тартибга солиш, улардан фойдаланиш ва автотранспорт воситаларининг ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги 542-сон қарорининг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 24 июндаги 313-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 33-модда) 5-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 25-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши, 3-банди ҳамда қарорга 1-илова.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 12 апрелдаги 172-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 22-модда) 4-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 46-модда) 3-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

308 Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
3 октябрда 1286-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 13 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 455-сонли «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг тугатилиши муносабати билан **буюраман:**

1. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига (рўйхат рақами 1286, 2003 йил 28 ноябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

Маданият ва спорт ишлари вазири А. АЗИЗХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 22 сентябрь,
880-сон

Маданият ва спорт ишлари
вазирининг 2005 йил 22 сентябрдаги
880-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан
фойдаланиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тўғрисида»ги низомга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисида»ги Низомга» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншооти белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бериладиган спорт иншооти паспорти ва сертификатига эга бўлиши лозим».

3. 5-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Спорт иншоотларидан фойдаланиш тартибини ва уларнинг тоифаларини ва меъёрларини кўрсатиб берувчи ҳужжатлар спорт иншоотининг паспорти ва сертификати ҳисобланади».

4. 6-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4-тоифадаги спорт иншооти — спорт иншоотининг асосий кўрсаткичлари, ўлчам ва жиҳозланганлиги аҳолини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва ўқув-спорт машғулотлари ўтказилишини таъминлаб беради. 4-тоифадаги иншоотлар улардан мақсадли ва унумли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида икки гуруҳга бўлинади: спорт ва ўқув-машқ иншоотларига ҳамда жисмоний-тарбия ва соғломлаштириш иншоотларига».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

309 Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
4 октябрда 1514-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 14 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга оширилганда чет эл валютасидаги маблағларни ишлатилиши устидан назорат ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли «Экспорт-импорт операцияларининг мониторингини ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида» низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 сентябрь,
268-В-сон

Иқтисодиёт вазири В. ГОЛИШЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 сентябрь,
64-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 сентябрь,
94-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 сентябрь,
01-02/19-22-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

310 Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1325-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–100-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23 ва 24-сонлар, 168-модда) ва Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг 2005 йил 16 июндаги 40-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16 ва 2004-13-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага (2004 йил 15 март, рўйхат рақами 1325 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 133-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
91-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
2005-57-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ BAZIRЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

311 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1123-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23, 24-сон, 168-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 28 январдаги 26 ва 2002-24-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага (2002 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1123 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон, 2003 йил, 4-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари

тўплами, 2004 йил, 10-сон, 124-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
92-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
2005-56-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

312 Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 5 октябрда 1238-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 15 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23, 24-сон, 168-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 7 мартдаги 43 ва 2003-37-сонли қарори билан тасдиқланган, Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага (2003 йил

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

29 апрель, рўйхат рақами 1238 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 7, 8-сон, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 131-модда; 40, 41-сон, 442-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
90-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 сентябрь,
2005-55-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

313 **Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 16 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами, 2004 йил, 51-сон, 512-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги ПҚ-110-сонли «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини тақомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 179-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 516-модда), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Илова* қилинаётган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 август,
76-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 август,
2005-47-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 29 август,
267-В-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

314 Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хотира тамгалари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 октябрда 1516-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 октябрдан кучга киради)

Бутунжаҳон почта конвенцияси, ёзма хат-хабарлар Регламенти, Ўзбекистон Республикаси «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом»га ва 2004 йил 19 июлдаги «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги 339-сон қарорига мувофиқ шунингдек «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хотира тамгалари тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш, шунингдек почта маркаларининг мавзуга оид режалари номинали, адади, маркаланган почта конвертлари ва карточкаларини жумладан уларни оригинал маркалар билан ишлаб чиқаришни, муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш, почта маркаларига буюртма бериш, тарқатиш ва сотиш, махсус хотира тамгаларини қўллаш ва муомалага киритишни шакллантиришнинг умумий принципларини аниқлаш мақсадида, **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хотира тамгалари тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Агентликнинг Почта технологиялари ва хизматлари бўлими (Бажанова) Агентликда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хотира тамгалари тўғрисидаги низом»ни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.
3. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.
4. Мазкур Низом амалга киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1995 йил 27 декабрдаги 292-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари, радиомаркалар ва махсус почта тамгалари тўғрисидаги низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (1995 йил 22 декабрь, рўйхат рақами 202).

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош
директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 19 сентябрь,
226-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 1 октябрдан 7 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2005 йил 22 сентябрдаги 880-сон буйруғи.*

2005 йил 3 октябрда 1286-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 13 октябрдан кучга киради).

2. «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 сентябрдаги 268-В, 64, 94, 01-02/19-22-сон қарори.*

2005 йил 4 октябрда 1514-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 14 октябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 91, 2005-57-сон қарори.*

2005 йил 5 октябрда 1325-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 октябрдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган ишлар, хизматларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 92, 2005-56-сон қарори.*

2005 йил 5 октябрда 1123-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 октябрдан кучга киради).

5. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 90, 2005-55-сон қарори.*

2005 йил 5 октябрда 1238-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 15 октябрдан кучга киради).

6. «Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 29 августдаги 76, 2005-47, 267-В-сон қарори.*

2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 октябрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари ва махсус хотира тамгалари тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 19 сентябрдаги 226-сон буйруғи.*

2005 йил 6 октябрда 1516-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 октябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат белгилари, радиомаркалар ва махсус почта тамгалари тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 202, 1995 йил 22 декабрь).*

Адлия вазирининг 2005 йил 6 октябрдаги 151-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.